



В. И. ЛЕНИН Коминтернинг II конгресси делегатлари орасида. 1920 йил, 19 июль, Петроград. Революция қурбонлари майдони. (Сурат КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг архивидан олинган).

ТАСС фотохроникаси.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

КОТОНУ, 15 апрель. (ТАСС). Дағомадаги демократик ёшлар миллий уюшмаси ва бошқа ёшлар ташкилотларининг ташаббуси билан мамлакат пойтахти Котонуда В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган миллий ёшлар ҳафтаси ўтказилмоқда.

Ёшлар ўйида ҳафталик расмий тарзда очилди. Бу маросимда Дағома ёшлари ва спорт ишлари комиссариатининг вакиллари, мамлакат ёшлар ташкилотларининг раҳбарлари қатнашди.

Ҳафталикнинг программасида Ленин тўғрисида ва жаҳонда биринчи социалистик давлат тўғрисидаги фильмларни кўрсатиш, «Ленин ва ёшлар» мавзусида лекция ҳамда семинарлар ўтказиш кўзда тутилади.

В. И. Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида, совет ёшларининг қаҳрамонона ишлари тўғрисида, ҳикоя қилувчи доимий фотовиставка очилди. Айни пайтда Дағомада Дағома кассабо союзи тўғрисидаги ташаббус билан Ленин ҳафталиги ўтказилмоқда.

(ТАСС).



ОТТАВА, Канада пойтахтида урушга қарши намойиш бўлиб ўтди. Мамлакатнинг турли шаҳарларида Оттавага келганлар Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамга қарши олиб бораётган урушини ва бу қонли ишда Канада ҳам иштирок этаётганини қаттиқ қораладилар. Суратда: намойишчилар парламент биноси олдида ўз норозилиklarини баён қилмоқдалар.

В. Никитин фотоси. (ТАСС).

ЗАМОНАМИЗНИНГ МАШҲУР ИЖОДКОРИ

ХАРТУМ, 15 апрель (ТАСС). СССРнинг Судандаги элчиси А. Н. Николаев Совет маданий марказида Судан маориф ва маданият вазири Мухиддин Собирга «Ленин» ҳужжатли фильмининг копиясини топширди.

Ана шу маросимда маориф вазири бундай деди: «Бутун инсоният Ленин туғилган кунининг юз йиллигини нишонлаётган таътаналар арафасида биз ҳам Суданда ана шу юбилейда қатнашишга ҳозирлик қўймоқдамиз. Министр бу фильмининг Судан кинотеатрлари экранларида намойиш қилиниши «мамлакатнинг ҳозирги ёш авлодида улуғ Лениннинг ҳаёти, унинг ғоялари ҳақиқатга айланиши билан яхшироқ танишиш имконини беришига ишонч билдириб бундай деди: «Ленин — ҳозирги замоннинг энг улуғ ижодкори, ривож топаётган мамлакатларга яқиндан ёрдам кўрсатаётган жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори. Биз тарихий сана муносабати билан инсониятнинг бу улуғ фарзандига чуқур ҳурмат эътиромимизни яна бир қарра изҳор этамиз».

БУНДЕСТАГДАГИ МУНОЗАРАЛАР

БОНН, 15 апрель. ТАСС мухбири Ю. Борисов хабар беради:

Германия Федератив Республикасининг канцлери Брандт бугун Бундестаг мажлисида унинг Вашингтонда АҚШ президенти Никсон билан олиб борган музокараларининг якуни тўғрисида баёнот берди. Унинг гапига қараганда, «ҳақиқий шерикчилик» белгиси остида ўтган бу музокараларни у «қониқарли» деб баҳолади.

Брандт ўз нутқида Америка қўшнларининг ГАРБий Европада туришининг давом эттириш керак, деган гапни яна такрорлади.

Канцлернинг гапига кўра, Боннинг социалистик давлатига нисбатан тутаётган сиёсатини Вашингтондаги «тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар». АҚШ президенти билан музокаралар ўтказилгандан кейин, деди Брандт, Германия Федератив Респуб-

ликасининг ҳукумати ўзининг аввалги сиёсатини давом эттириш ниятидан қайтгани йўқ.

Шундан сўнг Бундестагда ташиқ сиёсат масалалари юзасидан мунозаралар бошланди. Оппозициядаги ХДС (ХСС партияси Франциянинг раиси Барпелъ социал демократик партия билан эркин демократик партия ҳукуматини кескин танқид қилиб, Боннинг реал воқелика ҳар қандай тарзда бурилишдан «огоҳлангирди». У оппозиция ҳукуматининг социалистик мамлакатларга нисбатан тутаётган сиёсатидан «ҳали ҳам таъвирини» эътибори ҳақида гапирди.

Барпелъ НАТОни қучайтириш ва Америка қўшнларининг ГАРБий Германияда бўлиши ҳам турабериши зарур, деган гапни айтиди ва Бонн ўзининг НАТОга қўшаётган ҳарбий «ҳиссаси»ни кўпайтирсин, деб талаб қилди.

ҲУЖУМ КУЧАЙМОҚДА

ХАНОЙ, 15 апрель. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ҳалқ озодлик қуроли кучлари 28 мартдан 5 апрелгача Америка Сайгон қўшнларини, шунингдек АҚШ тумашталари бўлган мамлакатлар қўшнларининг 500 дан ошқ базаси ва позицияларига, қатта ҳарбий қисмларнинг 20 дан ошқ команда пунктларига, 40 дан зиёд аэродром, пристань, оқиботларига ҳужум қилдилар ва уларни ўққа тутдилар ҳамда душманининг аскар ва техникасига огир тала-

фот етказдилар, деб хабар беради Озодлик матбуот агентлиги.

«Ния Зан» газетаси Жанубий Вьетнам ватандарварларининг муваффақиятли ҳужумларини «урушнинг» вистамоллиги режаларига берилган зарба ва Америка империализмларининг ниятлари муқаррар барбод бўлишининг далилидир» деб таърифлайди.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАДАИ

9.50 — Кўрсатувлар программаси.

Соат 10.00:

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ В. И. ЛЕНИН ТУГЎЛГАН КУНИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚУШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ (Санъат саройидан олиб кўрсатилади).

Соат 16.00 да:

ТОШКЕНТДА ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИ ФИЛИАЛИНИНГ ОЧИЛГИСИГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГ.

Соат 19.00 да:

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ. (Санъат саройидан олиб кўрсатилади. Таънаффе вақтида телепереключлар).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАДАИ

ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ

ПРОГРАММАСИ.

18.00 — Сирдан ўқитган студентлар учун немис тилидан 30-машгулот.

Ўзбек тилида: 18.30 — Ота-оналар учун консултация. 19.00 — Сирдан ўқитган студентлар учун. Сибсий иқтисод. 19.25 — Инглиз тилидан 30-машгулот.

20.00 дан — Москва курсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе курсатади.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КИТАА ТЕАТРИДА — 17/IV да Чо-Чо-Сан.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IV да Олтин девор.

МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/IV да Қайнона, 18/IV да Паранжи сирлари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЛИЛИПУТЛАР ИШТИРОКИДА, ДУНЕДА ЯГОНА ДЖАЗ-ОРКЕСТР ГАСТРОЛЛАРИ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IV да Дийдор, 18/IV да Ўн санксиз ёшлигим.

ҲАММА РАЙОН МАОРИФ БЎЛИМЛАРИ,

МАКТАБЛАР, ПИОНЕР САРОЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА

РЕСПУБЛИКА «ЎЗКУЛЬТОРГ»

УЛГҲРЖИ БАЗАСИ

ПИОНЕРЛАР ВА ПИОНЕР ДРУЖИНАЛАРИГА

кеңг ассортиментда пионер ғалстуклар, значоклар, барабанлар, байроқлар, дружина байроқлари, горилар, плакатлар ва бошқа анжонларни

СОТИБ ОЛИШЛАРИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент-57, Жомий кўчаси, 20 уй.



РЕСПУБЛИКА «ЎЗКУЛЬТОРГ» УЛГҲРЖИ БАЗАСИ.

КИНО

Совет Иттифоқи элчиси — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОНИ НОМЛИ «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкунун).

Кечиндан гуллар — «СПУТНИК» (кундуз соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечкунун), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 8 да).

Муҳаббатнома (2 серия) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкунун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА В. ТИТОВ.

К. МИЛЕНКО асари. Х. РҲЗИМАТОВ таржимаси.

«УЛИМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА»

(2 пардали драма)

Саҳналаштирувчи режиссерлар — В. РАДУН, Э. МАСАФАЕВ.

Рассом — С. ЗИЯМУҲАМДОВ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17, 20, 21, 22 апрель кеч соат 8 да
18 апрель, кундуз соат 12 ва кеч 8 да

«БЕРЕЗКА» ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
(110 кишидан иборат)

Ансамблининг бадий раҳбари — СССР халқ артисти Н. НАДЕЖДИНА.

ТЎҚИМАЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОИДА

17 апрель кеч соат 8 да

КАБЕЛЬ ЗАВОДИ МАДАНИЯТ УНИДА

19 апрель кеч соат 8 да

ТИКУВЧИЛАР МАДАНИЯТ УНИДА

21 апрель кеч соат 8 да

БЕЛОРУССИЯ ССР ДАВЛАТ ХАЛҚ ХОРИ

Бадий раҳбар — СССР халқ артисти Г. И. ЦИТОВИЧ.
ПРОГРАММА: СССР халқларининг ашула, музика ва рақслари.

Концерт залларида, маданият саройлари, уйлари кассаларида концертлардан уч кун олдин билетлар сотилади.

Кассалар кундуз соат 2 дан, район кассалари эрталаб соат 11 дан очил. Коллектив бўлиб кўриш учун аялчилар қабул қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1625.

ИНДЕКС — 64697.

Р — 02435

«ПРАВДА» МУКОФОТИ ОБЛАСТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИДА

Ўтган йилдан кели Наманганда «Правда» газетасининг мукофоти учун республика енгил атлетикачилари кроссининг финал мусобақалари бўлди. Ҳамма областлар, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳ-

ри терма командаларининг 137 кучли кроссчиси мусобақалашди. Бу мусобақалар Тошкент области спортчиларининг ғалабаси билан тугади. Уларга «Правда» газетаси редакциясининг мукофоти топширилди.